

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҒАЛЛАЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ (1940-1950 йиллар мисолида)

Музаффар Хўжамов Расулжонович

Наманган давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ССРда 1940-1950 йилларда аҳолининг озиқ-овқат таъминотини олиб боришда ғалла ва дон етиштириш, бу борада ҳукумат томонидан олиб борилган чора-тадбирлар, унинг натижасида ғалла таъминоти, аҳолини дон ва ун, нон таъминотини борасидаги муаммолар масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ССРда ғалла таъминоти, 1940-1950 йиллар, озиқ-овқат таъминотида дон ва ун, буғдой етиштириш масалалари, мавжуд муаммолар, ечим, чора-тадбирлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены зерно и зерноводство в Узбекской ССР в 1940-1950 годах, меры, принятые правительством в этой связи, проблемы, связанные с хлебо снабжением, хлебом и мукой, снабжением населения хлебом

ABSTRACT

In the current state of grain and grain production in the Uzbek SSR in 1940-1950, the government adopted the government and the government, problems related to bread, bread and flour, and the nation's bread

Ўзбекистонда буғдой ғаллачиликнинг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Ўзбекистон ССР ҳукмати томонидан ишлаб чиқилган фавкулуддаги режага кўра республика 1942 йилдан бошлаб ўзини ўзи мустақил ғалла билан тўлиқ таъминланиши шарт эди. Бунинг натижасида республика умумий ғалла ҳосилини амалдаги(1941 йил) 5-6 млн центнердан келаси йил учун(1942 йил) 12-15 млн центнерга олиб чиқиши зарур ва кечиктириб бўлмас масала эди[1:Б.127].

Шу ўринда аҳолини нон билан таъминлашда ғалла ососий фундамент қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлиб унинг таъминотида республика нон таъминотида уруш бошлаган кезларидаёқ ноннинг таъминоти ечими кечиктириб бўлмас жиддий масала эканини кўрсата бошлади. Масалан, республиканинг

шарқий вилоятларидан бўлган ва аҳоли салмоғи юқори бўлган Андижон вилояти ғаллага бўлган талабини олсак, вилоятнинг ғаллага(донга) эҳтиёжи 1941 йил августдан 1942 йил 1 январигача вақтда 33 724 тоннани ташкил этади. Лекин еғиб олинган ғалла жами бўлиб, 7642, 8 тоннани ташкил қилди. Еғиб олинган вилоятдаги умумий ғалла шу йилларда вилоят аҳолисини дон ва нонга бўлган эҳтиёжини атига 22,6 % ни қондира олган[2:Б.13]. Кўриш мумкинки дон ва нон масласи жиддий муаммо бўлди.

Ўзбекистон ССРнинг 1941 йилдан 1945 йилгача яни уруш бошланган ва яқунлангунча бўлган вақтдаги дон ва аҳолини нон билан таъминлаш захирасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан, 1942 йил 1 май ҳолатига кўра, республикани (Қорақалпоғистон ва Хозразимдан ташқари) 10 минг тонна ғалла захираси мавжуд эди. Шу даврда Ўзбекистон аҳолисининг ғаллага бўлган саккиз кунлик эҳтиёжи 16 минг тоннани ташкил этарди[3:Б.28] ва буни бир йил давомига ҳисобласак ўрта ҳисобда кунига 2 минг тонна, йилига эса 730 минг тонна ғалла аҳолининг дон ва нонга бўлган эҳтиёжи зарур эди.

Натижада, Ўзбекистон ССРда буғдой билан бирга ғалланинг шоли турини ҳам кегайтириш, хусусан, гуруч етиштириш ва тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш салмоқли ўринга эга бўлиб, гуруч етиштиришда эса Ўзбекистон Иттифоқ ҳудудида энг юқори ўринларда туради. Ўзбекистонда шолчилик бўйича экин майдонлари улуши бутун иттифоқда етиштириладиган шоликорлик ерларининг ярмига тенг ва СССРнинг энг асосий шолчилик омбори бўлиб ҳизмат қилди. Урушдан олдинги йилларда бир қатор ирригация иншоатлари ва тармоқларини ишга туширилиши шолчиликда ўн минглаб янги ерларни ўзлаштириш имконини берди.

1941 йил Ўзбекистонда 83 257 гектар майдонга шоли экилган. Урушнинг бошланиши ўз навбатида ғаллага бўлган умумий эҳтиёжни оширди. Натижада 1942 йилда 1941 йилга нисбатан шоли майдонларининг ўсиши қўшимча 20 минг гектарга ўзгарди[2:Б.20]. Шоликорлик майдонларинг ўзгариши ҳосилнинг ўсишига ҳам ижобий таъсир қилди ва 1942 йил Ўзбекистонда шолининг ҳосилдорлиги ўртача 22,8 центнерни ташкил этди[3:Б.20]. Республика бўйича энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичи Тошкент вилоятида 39,5 центнер, Фарғона вилоятида 33,0 центнер, Наманган вилоятида 31,4 центнер ташкил қилди. Демак 1940 йилда Республика бўйича 79813 гектарга шоли экилган бўлса, 1941 йил 83257 гектарга, 1942 йилга келиб 102,5 минг гектар майдонга шоли экилган [4:Б.3].

Шоли етиштириш ва унинг маҳсулдорлиги доим ҳам бир ҳил кечмади. Чунончи, 1943 йил шоли экишлари эрта бажарилишига қарамай ҳосилдорлик гектарига 21,7 центнерни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,1

центнерга кам эди [5:Б.3]. Бунга сабаб шоликорлик ишлари асосан оғир меҳнатни талаб қиларди ва унда эркакларнинг ишчи кучи етишмаслиги, асосан аёллар зиммасида қолаётгани ва шоли экиш майдонларида меларатив холатининг ёмонлашгани, қишлоқ хўжалиги техникаларининг етишмасли ва деярли барча агротехника ишлари қўл меҳнати билан бажарилиши сабаб бўлди.

Шолини оқлаш ва гуруч шаклида тайёр маҳсулот қилиб, истеъмолга етказиб беришда Республика гуруч заводлари ҳам салмоқли иш бажарган. Масалан, 1944 йил СССР Маҳсулот тайёрлаш халқ Косимссарлигининг Тошкент вилоят Қорасув туманида жойлашган 3-гуруч заводи йилнинг биринчи квартал бошида кунига 2617 тонна шолини оқлаб, тайёр гуруч етказиб берган бўлса, квартал охирига келиб бу кўрсаткич 100 тонна гуруч тайёрлаб, истеъмол учун етказиб берди [6:Б.3]. Сентябрь ойига келиб завод қайта таъмирланиб қайта очилгач, бир кунда аҳоли истеъмоли учун 40-43 тонна гуруч тайёлаб, етказиб берди.

Шоликорлик ерларини кенгайтириш ҳисобига 1944 йилга келиб экиш режаси 25 май холатига 53,5 % га бажарилди ва бу кўрсаткич 1943 йил айнан даврига 76,6 % га бажарилган эди [7:Б.4]. Бунга сабаб аксарият ҳудудларда сув таъминотининг пахтачилик тармоқлари учун сарфланиши бўлди. Натижа мавжуд экилган шоликорлик ерлари ҳам бегона ўт босиши ва сувсизлик натижасида зарар кўрди [8:Б.34].

1950 йилга келиб Ўзбекистон бўйича шоли етиштириш гектаридан ўрта ҳисобда 16 центнерни ташкил қилди ва ялпи ҳосил 570 минг центнерни ташкил этди. Масалан, Хоразм вилояти Гурлан тумани “Сталин” номли колхоз гектаридан 55-70 центнердан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Поляная Звезда” колхозидан 40-45 центнердан, Андижон вилояти “Сталин” номли колхозидан 45 центнердан шоли етиштириб, истеъмолда гуруч таъминоти таъминлашда асосий хўжаликлар бўлди.

1953-1958 йилларда Республика бўйича жами бўлиб 3,5 млрд пуд [9:Б.319] ғалла етиштирилди [10:Б.142].

Мамлакатда озиқ-овқат таъминоти олиб боришда буғдой ва шолидан ташқари яна маккажўхори ҳам экиш етакчи ўринларни эгаллади. Маккажўхори икки мақсадда етиштирилди эди. Биринчи навбатда маккажўхори уни тайёлаш бўлиб, нафақат саноат усулида, балким маҳаллий оҳолининг кундалик турмуш тарзида асосий озиқ-овқат турларидан бири бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ризаев.Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. 1917-1965 гг. – Ташкент.Узбекистан.1967.-С.127.
2. Пўлатов И. Улуғ ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. Тошкент: Ўзбекистон.1967й.-Б.13.
3. Бабажанов.Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда озиқ-овқат сиёсатининг амалга оширилиши. Монография.Тошкент.”Академнашр”2022.-Б.-28.
4. Ўз МА, Р-90-фонд, 6- рўйхат, 5530-иш, 1-3варақ
5. Ўз МА, Р-90-фонд, 6- рўйхат, 5530-иш, 1-3варақ
6. Қизил Ўзбекистон. 1944 йил 20март. – № 63. – Б. 3.
7. Қизил Ўзбекистон. 1944 йил 7 октябр. – № 199. – Б. 4.
8. Ўз МА, Р-1619-фонд, 10- рўйхат, 743-иш, 34 варақ
9. Ўз МА, Р-1619-фонд, 10- рўйхат, 743-иш, 34 варақ
10. Пуд – русча.бир пуд-16,38 кг тенг оғирлик ўлчов бирлиги.бир тонна-сал кам 63пуд. Қаранг: Ўзбек тилининг изохли луғати. Тўртинчи жилд. – Тошкент.: ЎзМЭ,. 2007. – Б.319.